

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 144 (10.449)

2005 ЙИЛ 26 ИЮЛЬ



Эски шаҳар ёшармоқда



Пойтахтимизнинг «Чорсу» бозорида қад ростлаган кўркам фаввора фойдаланишга топширилди.

## ФАВВОРА ЖИЛОСИ

Нафақат бозорга кўркамлик, балки шу атрофда меҳнат қилувчи ва яшовчиларга завқ бағишловчи, ўз жилоси ва салқин сув томчилари билан дам олувчиларни чорловчи улкан фаввора атрофидаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Фавворани «12-трест» акциядорлик жамиятига қарашли 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тиклашган бўлса, пардоз ишлари 52-қурилиш бошқармаси қурувчилари саъй-ҳаракатлари билан бажарилди.

— Ушбу бозорда қад ростлаётган кўплаб қурилишларга ҳамоҳанг тарзда қад ростлаган фаввора, — дейди бригада сардори Карим Ха-



миров, — қурувчиларимизнинг ғайрат-шижоати намунаси бўлиб, пойтахтимиз аҳлига яқинлашиб келаётган Энг азиз ва Энг улуғ шодибона — Мустақиллигимизнинг 14 йиллик байрамига ажойиб совғаси бўлди. Бу ҳам бозорга ўзгача чирой, дам олувчиларга эса яна бир қулайлик бўлиб, шаҳримиз ҳавосига тозалик бағишлайди.

**Саидкарим БОБОСАИДОВ СУРАТЛАРДА:** янги ишга тушган фаввора жилolari; уни бунёд этишда фаоллик кўрсатган бригадир Карим Хамиров.

**Ҳакимжон Солиҳов** олган суратлар.



- «**ЎЗСТАНДАРТ**» агентлиги қошидаги аккредитация кенгашининг йиғилишида махсулот ва хизматлари сертификатлаштириш масалалари муҳокама қилинди.
- **ТОШКЕНТ** шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг шаҳар

бўлими ҳамкорликларида уюштирилган тадбирда терроризм ва унинг муҳиш оқибатлари, терроризм ҳамда диний экстремизмга қарши курашда бирдамлик ва ҳамжихатлик билан ҳаракат қилиш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

● «**САНАМ**» хотин-қизлар журнали ташкил этилганлигининг етти йиллиги муносабати билан тахририят ходимлари хайрли ишга қўл уришди. Эндликда «Санам» журнали ҳомийлигида эркаклар учун мўлжалланган «Ворис» журнали чоп этила бошланди.

● «**ХУҲАФИЛЬМ**» компанияси миқозлари сонини кўпайтириш мақсадида ҳамшаҳарла-

римиз эътиборига янги акцияни ҳавола этди.

● «**ЎҚИТУВЧИ**» нашриёт-матбаа икки йили томонидан янги ўқув йили олдидан мактабларнинг 6, 7-синфлари ўқувчилари учун янги дарсликлар чоп этилди. Шунингдек, «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази томонидан жорий йилнинг олти ойи мобайнида 91 хилдан ортик турли номдаги бадиий, илмий, тарихий адабиётлар ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари учун ўқув дарсликлари чоп этилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**  
**П.С.АЗИМОВНИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРИ ЭТИБ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Рустам Содиқович Азимов Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири этиб тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 25 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ФАРМОНИ**  
**П.С.АЗИМОВНИ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ — ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРИ—УМУМИҚТИСОДИЁТ, САВДО ВА ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ МАЖМУАСИ РАҲБАРИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Рустам Содиқович Азимов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Иқтисодий вазир—Умумиқтисодий, савдо ва истеъмол моллари мажмуаси раҳбари лавозимидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 25 июль

**XVI сағоси**  
**ХСР**  
Барча маблардан олқинган сўнгги хабарлар

Мамлақатимизда

● Фаргона «Пахтаसानоат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасида бу йилги пахта йиғим-терими мавсумига жиддий ҳозирлик кўрилмоқда. Бирлашма тасарруфидаги 10 та пахта тозалаш заводи ва 43 та пахта қабул қилиш пункти мавсумга шай ҳолатга келтирилди.

● Сирдарё вилоятида «Экология ва саломатлик қонлари»нинг 2-босқичи доирасида «Соғлом муҳит — соғлом ҳаёт асоси» шиори остида экологик ҳашар ўтказилди. Ҳашар давомида 1 минг 748 тонна маиший чиқиндилар чиқариб ташланди. 148 минг 985 дона дархат ва кўчатлар оқлиниб, 285 километр арик ва лотоклар тозаланди.

● Когон туманида тўқима-чиликка ихтисослашган янги Ўзбек-Охтой қўшма корхонасини очиб режалаштирилмоқда. Мазкур қўшма корхона «Дав-Дил» фермер хўжалиги иштирокида ташкил этилди.

● Бухоро тумани, «Дўстлик» ширкат хўжалигидаги Работак қишлоғида янги мактаб бунёд этилмоқда. «Бухороқурилиш» акциядорлик жамияти қурувчилари томонидан қурилаётган мазкур иншоотга 1,6 миллиард сўм сарфланади.

● Гулистон шаҳридан оқиб ўтувчи Дўстлик канали ҳамда «Гулистон» маданият ва истироҳат боғи ҳудудида узунлиги 240, эни 31 метрга тенг замонавий сув спорти мажмуаси ишга тушди.

Жаҳонда

● Мисрнинг Шарм ал-Шайх курорт шаҳрида бир неча террорчилик ҳаракатлари содир этилди. Кучли портлашлар натижасида сўнгги маълумотларга кўра 88 киши ҳаётдан кўз юмган, 200 дан ортик киши жароҳатланган. Жабрланганлар орасида 8 нафар хорижлик фуқаролар бор.

● Берлинда ҳукумат бинолари жойлашган ҳудуд устидан шахсий самолётлар ва ҳаваскор учувчиларнинг парвози чеклаб қўйилди.

● Япония пойтахти Токиода сўнгги 13 йил ичида энг кучли бўлган — Рихтер шкаласи бўйича олти баллик зилзила рўй берди. Ер силқиниши натижасида 18 киши жароҳатланди, мобил телефон алоқаси тизимига жиддий шикаст етди.

● Грузия энергетика тизимида жиддий узилишлар юзга келди. Нафақат чекка ҳудудлар, хатто Тбилиснинг ҳаётий муҳим иншоотлари ҳам электр қувватисиз қолди. Ҳозирда узилиш сабаблари аниқланмоқда.

Дикқат, бевосита мулоқот!

## МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ДАВР ТАЛАБИ

Бугунги юксак тараққий этаётган технологиялар асрида сановат ва интеллектуал жиҳатдан ривожланган давлатлар ўртасидаги иқтисодий мусобақа илм, техника, технологиялар ва шунга мувофиқ равишда — таълим соҳасига бурилиш ясаётганини аққол кўриш мумкин ва бу тушунарли, албатта. Зеро юқори малакали кадрларсиз юксак даражада ривожланган иқтисодиётнинг бўлиши мумкин эмас. Шу боисдан-да ривожланган мамлакатларда касб-хунар таълимининг бош мақсади — юқори малакали кадрлар тайёрлаш орқали рақобатбардош махсулотлар



ишлаб чиқарилишини таъминлаш ва аҳолига сифатли хизмат кўрсатишдир. Мамлакатимиз Президентининг Ислом Каримов ташаббуси билан ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида шундай мақсад кўзланган ва бугунги кунда узлуксиз таълим тизими, шу жумладан унинг асосий бўғини тарихдан бири — икки йўналишдан иборат ўрта-махсус, касб-хунар таълими амалиётида кенг қўлланиб келинмоқда. Хусусан, ўзидан илмга қобилият хис этган ўсмир ёшлар учун лицейлар очилган ва бу тоифадаги ўқув муассасаларида тўлиқ ўрта маълумотдан ташқа-

ри, шунингдек а й р и м академик фанларни чуқурроқ ўрганишга имконият бор. У ёки бу хунарга мойиллиги бўлган ёшлар эса ўзларини қизиқтирган йўналишлар бўйича касб-хунар коллежлари-га киришлари мумкин. Шу билан бирга бу иккала тоифадаги ўқув юртида ҳар бир ўқувчи компьютерда бемалол ишлашни, хорижий тиллардан бирида сўзлашишни бирдай ўрганади. Ва энг муҳими, академик лицей ва касб-хунар коллежларини битирган фарзандларимиз 18 йшга тўлгунга қадар истаган бирон-бир касб эгаси бўлишга эришади.

Давоми 4-5-бетларда.

## ТАДБИРКОРГА — ОМАД ЁР

# КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ УЧУН

Хусусий тармоқни ривожлантиришга қаратилаётган катта эътибор туфайли унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни ва улуши тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг сони 280 мингдан ошгани фикримизни тасдиқлайди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг энг муҳим устувор вазифаларидан бири — бу кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш эканини таъкидлаган эди.

Президентимизнинг шу йил 20 июнда эълон қилинган «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони кичик бизнес учун янада катта имкониятлар яратди.

— Мамлакатимизда микрофирма ва кичик корхоналар, яъни кичик бизнесга алоҳида аҳамият берилганга бевосита эмас, — дейди Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юридик шахсларнинг мулк ва ресурс солиқлари бошқармаси бошлиғи Одилов Умаров. — Бу тизим бозор иқтисодиёти шaroитида муҳим ўрин тутди. Жамиятимизда мулк шаклининг ўзгариши, хусусий бизнеснинг ривожини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш муносабатларини ташкил этишнинг, меҳнатта муносабатнинг таъминлаш янги таъминоти амалга оширишга замин яратди.

Мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисми йирик корхоналар куриши имконияти бўлмаган кишлоқ жойларда ва кичик шаҳарларда истиқомат қилишни инobatга оладиган бўлсак, хусусий тармоқни ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш нақадар зарур эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Шу боис ҳам истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ бу тармоққа алоҳида аҳамият берилди. Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Кичик бизнес субъектлари учун солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби соддалаштирилди. Уларнинг зиммасидаги солиқ юки сезиларли даражада энгиллаштирилди. Солиқ солиш тизимини танлаш ҳуқуқи микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ўзига ихтиёр асосда тақдим этилиши

тартиби белгиланди. Натижада йилдан-йилга уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидagi улуши ўсиб бормоқда.

Юқорида номи зикр этилган Президент фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди. Унда кичик бизнес субъектларини жадал ривожлантиришни янада рағбатлантириш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамияти ва улушини тўдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Жумладан, шу йилнинг 1 июлидан бошлаб микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ жорий этилди. Авваллари бу субъектлар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармалари учун алоҳида-алоҳида мажбурий ажратмалар тўлаган. Табиийки, бу жараёнда ортқича қроғозбозлик ва оворагарчиликка йўл қўйилган. Эндиликда тадбиркор асосий фаолиятига ҳалақат берувчи бундай ортқича ташвишлардан батамом қутилди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун бюджет билан ҳисоб-китоблар янада соддалаштирилди. Яъни солиқ идораларига солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича тақдим этиладиган тегишли ҳисоб-китоблар ҳар чоракда бир марта, ҳисобот чоригидан кейинги ойнинг 25-кунигача амалга оширилади.

Мазкур корхоналар учун солиқ юки янада энгиллаштирилди. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи микрофирма ва кичик корхоналар учун маҳсулот (иш, хизматлар) сотишдан тушган тушумга нисбатан бюджет ва бюджетдан ташқари солиқ ва мажбурий тўловлар 15,2 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб мазкур корхоналар учун ягона солиқ тўлови 13 фоизга пайсантирилди.

Акциз солиғи солинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ ҳамда акциз солиғи тўлаган бўлсада, бу сумма солиқ базасидан камайтирилмас эди. Эндиликда бир объектни икки марта солиққа тортишнинг олдини олиш мақсадида акциз со-

лигига тортиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқни ҳисоблаб чиқишда акциз солиғи суммаси камайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармонга асосан янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловини тўлаш мuddати бир йилга кечиктирилиши, яъни солиқ имтиёзларидан бири бўлган «солиқ таътили» қўлланилади. Ушбу даврда ҳисобланган солиқ суммасини кейинги ҳисобот йилидан бошлаб бир йил мuddат давомида тўлаши корхонанинг молиявий барқарорлашувига хизмат қилади. Бундан ташқари, микрофирма ва кичик корхоналарга қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган солиқ имтиёзлари ягона солиқ тўловини тўлаш чоғида ҳам сақлаб қолинади.

Ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрофирма ва кичик корхоналар қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олинган ер майдонлари учун бюджетга ижара ҳақи тўлашдан озод этилди. Тадбиркорлик субъектларини солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг амалий механизминини таъминлаш мақсадида «Солиқ маслаҳатчилари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқариладиган тадбиркорларимиз учун яна бир қўлайлик бўлиши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришга қаратилган бундай чора-тадбирлар аҳолини тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун янада рағбатлантиради. Уларнинг реал даромадини ошириб, қўлай меҳнат бозорини шакллантиради. Яъни жорий этилган қатор имтиёзлар туфайли юзага келадиган манфаатдорлик янги иш ўринлари яратиш имконини беради ҳамда ишчи кучи ресурсларини ўзига жалб этади. Бу тизимнинг бозор конъюктураси ўзгаришига тезкор мослаша олиши эса юқори сифатли, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришни қўлайтиришга хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири

## ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда умумий юрисдикция судларининг жорий йил биринчи ярмида одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти яқунлари таҳлил қилинди ва галдаги вазифалар белгилаб олинди.

Олий суд раёсатининг биринчи ўринбосари Н.Тошматов бошқарган мажлисида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, мазкур тизим фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясига айланаётгани алоҳида таъкидланди. Бунда давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида айтилган масалалар алоҳида эътибор қаратилиб, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш ва янада либераллаштириш борасида белгиланган берилган вазифалар муҳим омил бўлмақда.

Бу вазифаларни бажариш, айнқса, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти шакллантириш борасида умумий юрисдикция судлари томонидан ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Фуқаролик ишларини кўриш мuddати ва сифати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан янада яхшиланди.

Жиний ҳазонларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қонунларга киритилган ўзгаришлар, жумладан, ярашув институти амалиётда кенг қўлланилаётганини туфайли судланганлик ҳолати камаймоқда. Ҳисобот даврида суд-

ланганлик ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,4 фоиз камайгани бунга мисол бўла олади.

Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо нисбати ҳам ўтган йилларга нисбатан камайганини кўрсатапти. Айни пайтда судлар шахсни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллашга кўпроқ эътибор қаратмоқда.

Шу билан бирга, мажлисида айрим судларда ишларни судда кўришга тайёрлаш бўйича қонун талабларининг тегишли тартибда бажарилаётгани айтиб ўтилди. Бу ҳолат суд хатоларига, ишларни кўриш мuddати бузилишига олиб келаётгани қайд этилди. Жиний ишлари бўйича судлар етарли асосларсиз жавобгарликка тортилган шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш - оқлов ҳукмлари чиқаришда қатъиятдор бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Мажлисида судья ва судларда ишловчи ходимларнинг касб маҳорати ва масъулиятини ошириш, суд қарорларининг барқарорлигини таъминлаш, ишларни кўриши асоссиз равишда кейинга қолдириш ҳолатларининг олдини олиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди, мавжуд хато ва камчиликларни бар-тароф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

ЎЗА

Куни кеча Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шаҳар Соғлиқни сақлаш бoш бошқармаси ҳамкорлигида Республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Огоҳлик — давр талаби» мавзусида ҳуқуқий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда тиббиёт муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

### Тадбирлар

## ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Йиғилишда Республика лар.

— Андижонда рўй берган воқеалар ҳар биримизни янада огоҳ ва ҳушёр бўлишга ундайди, — дейди шаҳар Соғлиқни сақлаш бoш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Дилором Маҳамдалиева. — Ўйлайманки, боя айтилганидек ҳамшаҳарларимизнинг қайси касбда бўлишмасин сиёсий онгини ошириш зарур. Шу жумладан тиббиёт соҳаси вакиллари ҳам. Зеро ҳаққ соғлиги, омонлиги шу соҳа вакиллари қўлидадир.

Қизиқарли ўтган тадбир савол-жавоблар ва муҳокама ҳамда фикр алмашувлар тарзида кечди. Урашув қатнашчилари осойишталикни сақлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўзаро фикр алмашиши, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олиши.

Дилором ИКРОМОВА

### Иқтисодиёт

## САВДОЛАР ҲАЖМИ ОШМОҚДА

2005 йилнинг январь-июнь ойлари давомида Республика кўчмас мулк биржаси савдоларида сотилган кўчмас мулк объектлари ва бошқа мулклар кўлами 2004 йилнинг шу даврига нисбатан 38,9 фоизга ошган ва 21,5 миллиард сўмини ташкил этди.

Ишлаб чиқариш ва маъмурий аҳамиятга эга бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича, тугалланмаган курилиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги, шунингдек, турар жой ва ижтимоий инфратузилма объектлари бўйича мулклар сони ва уларни реализация қилиш суммаларининг ўсиши қайд этилган.

Жумладан, сотилган кўчмас мулк объектлари ва бошқа мулклар сони ҳисобот даврида 46,9 фоизга ошган ва ўн бир миң бирликка кўтарилган. Шуларнинг 3,6 миңдан ортиқроғи давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилган.

Республикада тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий базани тақомиллаштириш бўйича барча шароитлар яратилмоқда. Бу борада Республика Давлат мулки қўмитаси томонидан «республика кўчмас мулк биржасида кимодди савдоларини ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низом қабул қилинган. Бу эса давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнига мос ёндашув имконини беради.

Алоуддин ҒАФФОРОВ,  
«Туркистон-пресс»

## МЎҲАЗ ТРАКТОРЛАР — КОЛЛЕЖЛАРГА

Республика миздаги кишлоқ ҳўжалигига ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларидан бир нечтаси янги русумдаги мўҳаз тракторларга эга бўлди. «ТТЗ-80.11» деб номланган мазкур агрегатлар «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилди.

Улар ўқув-амалий далачилик ишларида ҳам қўл келади. Буни инobatга олиб япониялик машинасозлар унга қизиқиш билдирилди. Тендер асосида ташкил этилган халқаро савдода Япония ҳукумати бу тракторларни харид қилди.

Ҳади қилинган ушбу агрегатлардан ўқув-тажриба ҳўжаликларида кенг фойдаланилмоқда.

## САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Саноат экологияси! Бу ибора тилга олинганда атроф-муҳит софлиги йўлида экологик техник жараёнлар кўз ўнгимизга келади.

Тошкент кимё-технология институтида «Саноат экологияси» кафедраси ташкил этилишининг боиси ҳам шундан. Атроф-муҳитни муҳофазда қилиш, оқва сувларни тозалаш ва улардан саноатда оқилана фойдаланиш каби илмий йўналишлар кафедра олимлари амалга ошираётган тадқиқотларнинг асосий мавзусига айланган. Олимларнинг изланишлари қатор йирик корхоналардаги экологик ҳолатларни атрофича ўрганиб чиқиш имконини беради. Кафедра шу йўналишда қўллаб мулакали мухтаassis кадрлар тайёрлаш борасида ҳам таълимий тадбирларни белгилаб олди.

Олим АКРОМОВ



2003 йилга қадар завод маргарин, кандолат мойлари ва пахта ёғи ишлаб чиқарган. Заводда маргарин асосан пахта ёғидан тайёрланган. Янги номда ташкил этилган акциядорлик жамиятида эса тadbirkорлар заводнинг барча имкониятларидан фойдаланишга киришишди. Корхонага Украина, Россия давлатларидан етакчи мутахассислар таклиф этилиб, маҳаллий ишчиларга янги технологиялардан фойдаланиш жараёнилари мукамал ўргатилди. На-тижада заводда пальма ёғли, соя-ли, кунгабоқар аралашмали маргаринларнинг янги сифатли турлари ишлаб чиқарила бошланди.

Ички бозоримизда четдан келтириладиган маҳсулотлар қанчалик кўп бўлмасин, ўзимизда ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифати ҳам уларникидан асло кам бўлмастлигини тadbirkорларимиз янги англаб етишишга харидор талаби қондирилади. Хозирда янги техник линиялар билан жиҳозланган «Тошкентёғмойкомбинат» тadbirkорлари бир йилда 23 минг тонна сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга муваффақ бўлмоқда.

Айни пайтда завод инвесторлари тўрт йил мобайнида корхонага 1,5 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маргарин ишлаб чиқарувчи янги технологик линиялар келтириб ўрнатиш мажбуриятини олишган. Шуниси аҳамиятлики, бугунги кунда корхона чет эл фирмалари билан доимий ҳамкорликда иш юритиб келмоқда. Хозирда корхонага Америкадан ёғни тозаловчи қумлар келтирилмоқда. Завод ходимлари Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан янги турдаги салат учун мўлжалланган ёғлар ишлаб чиқариш

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг театрлашган томошалари бош режиссери, Ўзбекистон халқ артисти Баҳодир ЙУЛДОШЕВ ўза муҳбирига бу ҳақда куйидагиларни гапириб берди:

— Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг таклифи ва тавсиясига кўра ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган ушбу халқаро фестивалининг жаҳонда тобора кенг эътироф этилаётгани қувонарлиқ. Ушбу халқаро санъат байрами Шарқ мамлакатлари халқлари миллий мусиқа ва кўшиқчилигининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш ҳамда ривожлантиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётир.

Қадимий Самарқанд шаҳрида 1997 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий бу фестиваль қисқа муддатда жаҳондаги нуфузли мусиқа анжуманлари каторидан муносиб ўрин эгаллади. Кўплаб давлатлар, халқаро маданият ташкилотларининг дунё миқёсда танилган машҳур санъат намояндalарини урча-шадиган ушбу тadbирга бўлган қизиқиши ва эътибори ортиб, иштирокчи мамлакатлар, санъаткорлар сафи кенгайиб бораётгани бунинг яна бир яққол далилидир.

Асосий госяи инсонларни гўзаллик, нафосат ва эзуликка давват этиш, дунё халқларининг ноёб мусиқий мероси ва анъаналарини янада ривожлантиришдан иборат ушбу санъат байрами турли миллат ва элларни мусиқа воситасида ўзаро яқинлаштиришга, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсидagi обу-эътиборининг тобора орттишига хизмат қилаётир. Айниқса, бугунги нотинч ва таҳликали замонада ёвузлик ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўри-нишларига қарши маърифат билан курашишда, халқимиз маънавияти, кўп асрлик мусиқа хазинасини бойитишда мазкур фестивалининг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Ижодий гуруҳ шу йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонидa бўлиб ўтадиган тadbирларни юсак госявий мақсадида фестиваль учун бадий дастурлар яратиш бўйича қизгин иш олиб бормоқда.

Анъанавий фестивалининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари муайян мусиқий мав-



«Ўзбекистонда тайёрланган»

## «МЕНИНГ ОРЗУМ» ХАРИДОРНИ ТОПМОҚДА

Тошкент «Ёғмойкомбинат»и заводи 40 йилдан зиёд вақт мобайнида фаолият юритиб келаётган етакчи корхоналардан саналади. 2003 йилда «Виг Лайн» компанияси заводнинг 62,4 фоиз акциясини сотиб олиб, «Тошкентёғмойкомбинат» акциядорлик жамияти номини берди. Уша пайтларда заводнинг ишлаб чиқариш ҳолати ва маҳсулот сифати айтарли даражада яхши эди.

ри айни дамда Германиянинг йириқ компаниялари билан шартномалар имзолаш арасида турибдики, келгусида заводга бу мамлакатдан майонезларнинг сифатли турларини ишлаб чиқарувчи линиялар келтириб ўрнатилади.

Завод ходимларининг бундан ташқари келгуси режалари шундан иборатки, бу ерда маргаринлар пластмасса идишларга қадоқланиш кўзда тутилган бўлиб, ҳозирда мутахассислар томонидан ушбу маргаринларнинг намуналари ишлаб чиқарилади ва синовдан ўтмоқда. Шунингдек, завод мутахассислари Италиянинг кир ювиш воситалари, атир совунлар тайёрлайдиган линиялар ишлаб чиқаришга иxtисослашган «Мадони» компанияси билан музокаралар олиб боришмоқда. Яқин кунларда корхонага шундай технологик линиялар келтириб ўрнатилади ва бу ерда кир ювиш воситалари, атир совунлар ҳам ишлаб чиқарилади. Айни пайт-

Заводда ишлаб чиқариладиган барча маҳсулотлар «Менинг орзум» номи остида сотувга чиқарилмоқда. Шунини алоҳида эътироф этиб ўтмоқчимизки, «Менинг орзум» номида тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати, мазали таъми чет эл маҳсулотларидан асло қолишмайди. Завод тadbirkорла-

зуга бағишланиши яхши анъанага айланиб қолган. Илк марта ўтказилган «Шарқ тароналари» Буюк ипақ йўлининг жаҳон мусиқаси тарихида тутган маънавий-маърифий аҳамиятига, иккинчи миллий мусиқамиз ривожига улкан ҳисса қўшган машҳур санъат намояндalарининг хотирасига, учинчиси она табииати асраб-авайлашга, тўртинчиси миллий мақом санъатимизга бағишланган эди.

Бу йилги фестиваль очилиш маросимининг асосий госяи буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодига бағишланади.

### «Шарқ тароналари — 2005»


## МУСИҚА ХАЛҚЛАРНИ ЎЗАРО ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 15 июнда қабул қилинган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига тadbirkорлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида юртимизда улкан санъат байрами - «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бўлиб ўтади. Нуфузи йил сайин ошиб бораётган ушбу мусиқа анжуманига айни кунларда қизгин ҳозирлик қўрилмоқда.

Ижро этиладиган дастурларда улуг шоирнинг жаҳон халқларини дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик ва аҳилликка ундаган ҳаётбахш госяи ўз ифодасини топади.

Агар 2003 йилги фестивалда ўттиз тўрт давлатдан вакил қатнашган бўлса, бу йил жаҳоннинг элликдан зиёд мамлакатидан санъаткорлар иштирок этиш истагини билдирган. Айни пайтда фестивалнинг ранг-баранг мусиқий дастуридан баҳраманд бўлиш истагида бўлган томошабинлар, мусиқа иxtисосмандлари, сайёҳлар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Буларнинг ҳаммаси фестиваль дастурларида алоҳида маъсуляти билан ёндашишни талаб этади. Шу боис сценарий муаллифлари Хуршид Даврон, Жуманиёз Жабборов, мусиқий бадий раҳбар Абдуҳошим Исмоилов, истеъдодли хормейстерлар, моҳир балетмейстерлар иштиро-



да юртимиз бозоридa бу борада Туркия маҳсулотлари етакчилик қилаётган бўлса, бир неча ой мобайнида заводда тайёрланадиган кир ювиш воситалари ҳам ўз харидорларига эга бўлади деган умиддамиз.

2005 йилнинг охирида ёғлиги 82 фоизли маргаринларнинг янги турларини ишлаб чиқариш кўзда тутилган заводда шунингдек, кетчуп, газли ва газсиз минерал сувлар ҳамда салқин ичимликлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган.

Орузул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: уста Маъмура Ўсарова ва оператор Зайнутдин Турдиев маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; маҳсулотни талаблар даражасида қадоқлашда операторлар Азиз Хусанов ва Дилшод Азаматовларнинг хиссалари катта.

Наталья Семёнова олган суратлар.

кидagi ижодий гуруҳ иш олиб бормоқда.

Айни вақтда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво», «Ўзбектеатр», «Ўзбекракс» ижодий бирлашмалари тизимидаги ижодий жамоалар, Юнус Ражабий номидаги мақомчилар ансамбли, Ўзтеледиоккомпания ва Ўзбекистон Давлат консерваториясининг талабалари иштирокида маҳсус дастур тайёрланмоқда.

Мусиқа байрами тантаналарининг ёпилиш маросимида миллий мумтоз мусиқамизнинг таниқли намояндalари, машҳур созандалар ҳамда фестиваль солиблари иштирокида алоҳида дастур намойиш қилинади. Бутун фестиваль давомида куй ва кўшиқлар жонли ижро этилади.

Фестиваль доирасида «Энг яхши миллий кўшиқ ижроси учун» танлови ўтказилади. Бунда ҳар бир мамлакатдан ташриф буорган қатнашчи ўз халқининг миллий кўшигини ижро этади. Тақдим этилиши лозим бўлган мусиқий дастурлар халқ мусиқа ижодиёти намуналари, мумтоз ва замонавий миллий мусиқий йўналишлардан иборат бўлади.

Фолибларнинг кўшиқлари диск орқали кўпайтирилиб, барча мамлакатларга тарқатилади. Танлов иштирокчиларини баҳолашда ўн бир кишидан иборат халқаро ҳайъат иш олиб боради. Ҳайъат аъзоларидан фақат бир нафари Ўзбекистон вакили бўлиши мазкур танловнинг нечоғли холис кечилишдан яна бир далолатдир.

Фестиваль доирасида «Шашмақом анъаналари ва замонавийлик» мавзусида халқаро илмий-ижодий конференция ҳам ташкил этилади. Шу билан бирга катта, гала концерт бўлиб ўтади. Мусиқа байрамининг яна бир жиҳати шундаки, Самарқанд вилоятининг қатор туманларида фестиваль иштирокчилари билан урчауш ва концертлар уюштирилади. Анжуманга ташриф буорган хориқлик санъаткорлар, мусиқа мухлислари, сайёҳлар юртимизда, жумладан, Самарқанд шаҳрида истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишадилар.

Ўза муҳбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.

### Маълум

## ЭНГ ЯХШИ БИТИРУВЧИЛАР

Пойтахтимиздаги тиббиёт касб-хунар коллежини бу йил талайгина ўқувчилар битиришди. Шу муносабат билан билим даргоҳи доирасида «Энг яхши битирувчи — 2005» кўрик-танлови ўтказилди.

Ушбу билим ва малака намойиши «Энг чақон ҳамшира», «Энг ҳозиржавоб ҳамшира», «Энг билимдон ва энг ширинсўз ҳамшира» номинациялари беллашувлари бўйича уюштирилди.

Бу тadbирда «Энг фаол гуруҳ», «Энг чақон битирувчи», «Энг меҳрибон битирувчи» номинациялари беллашувлари фолиблари ҳам аниқланди.

## МУҲИМ САНАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда уюштирилган навбатдаги халқаро илмий-техника конференцияси «Ўзбекистоннинг алоқа ва ахборот технологияларини ривожлантириш» деган мавзуга бағишланди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг 50 йиллиги ҳамда Тошкент телевизион миносининг 20 йиллиги саналари муносабати билан ўтказилган бу анжуманда 140га яқин маъруза тингланди.

Алоқа ва ахборот телекоммуникациялари, ахборот технологиялари, почта алоқасига доир қилинган бу илмий чқишларда чет эллик мутахассис олимлар ҳам қатнашдилар. Малакали кадрлар тайёрлашнинг бугуни ва истиқболлари бўйича янги режалар белгилаб олинди.

Акбар АЛИЕВ

## ЯНГИ АМАЛИЁТ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Ёш авлоднинг маънан баркамол шахс бўлиб вояга етишишда ўқитувчиларнинг роли бекиёс. Шу боис ҳам ушбу соҳани янада ривожлантириш, халқ таълими муассасалари педагоглари малакасини ошириш шу куннинг долзарб талаби эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005—2006 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ янги ўқув йилидан бошлаб барча таълим йўналишлари бўйича давлат грантлари асосида таҳсил олган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети битирувчилари учун камдада уч йил ишлаб бериш шarti билан таълим муассасаларига тақсимлаш амалиёти жорий этилди. Талабаларни ишга тақсимлаш Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ҳамкорликларида амалга оширилади.

Жорий йилда мазкур илм мақсанида 2800 нафарга яқин талаба ўқишга қабул қилиниши лозим бўлган ҳолда хозирда ўқитувчи бўлишни хохлаётган ёшлар сони беш минг беш юз нафардан ортди.

Дилором ДУСМУХАММОВА

*Дуққат, бевосита мулоқот!*

Давоми. Боши 1-бетда

Халқаро экспертлар томонидан уч понаги узлуксиз таълимнинг ўзбек модели деб тан олинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Бунга рақамлар ҳам далил. Хусусан, агарда 2001 йилда янги таълим муассасаларининг биринчи беш мингдан зиёд илк қалдирғочлари диплом олган бўлса, бугунги кунга келиб бир неча ўн минглаб ўғил-қизларимиз 180 дан зиёд йўналиш бўйича мутахассислик эгаси бўлиб етишиб чиққан. Шу билан бирга йил сайин ўсмир ёшларнинг умумий таълим ҳамда касб эгаллашга иштиёқи ошиб бораётганини кўриш мумкин. Чунончи, шу йилнинг ўзида 35 мингга яқин ёшлар ўқишни пойтахтимиздаги 117 та академик лицей ва касб-хунар коллежларида давом эттиришни мўлжалламоқда. Ўз навбатида, ўрта махсус таълим тизимида ўқув-тарбия ва амалиёт жараёнларини замонавийлаштириш ишлари жадал тус олган. Янги ўқув йилига қайта таъмирлаш ва қўшимча қуриш ҳисобига маданият, Ражабий номидаги мусиқа-педагогика, Хўжаев номидаги дизайн, энгил саноят ва Боровский номидаги тиббиёт коллежларини замонавий тарзда фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Айни кунларда академик лицей ва касб-хунар коллежларида қизғин жараён — абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш ишлари давом этмоқда. Шубҳасиз, бу борада ёшларимизда изохталаб саволлар кўп. Ўз навбатида, фарзандлари тақдирини қайғурётган ота-оналари ҳам айниқса ўқишга кириш шартлари қизиқтираётгани табиийдир. Бундай ҳулосага эса биз Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими билан ҳамкорликда уюштирилган бевосита мулоқот давомида келдик. Телефонлар орқали газетхонларимизнинг саволларига Тошкент шаҳар Ўрта-махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи Шавкат Сардорovich Жавлонов жавоб берди. Қуйида қизиқарли савол-жавоблар орқали бўлиб ўтган бевосита мулоқот ва у орқали тизимдаги айрим янгиликларни сиз, азиз муштарийлар эътиборига ҳавола этамиз.

**Мавлуда ОЛИМЖОНОВА (45-мактаб директори):**

— Тавсиянома бўйича коллежга ҳужжат топширган ўқувчи, агарда махсус синовдан ўта олмаса, қандай йўл тутиши лозим?

— Махсус синов якунлари бўйича тегишли балл тўплай олмаган ўқувчиларга шу ернинг ўзиде, касб-хунар коллежининг маслаҳат марказида тизимдаги бошқа ўқув юрларида мавжуд бўш ўринлар таклиф этилади. Таъкидлаш лозимки, бу борада касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташвиш марказлари томонидан берилган тавсияномалар ўз кучини йўқотмайди.

**Оттабек СОЛИХОВ (9-синф битирувчиси):**  
— Академик лицейларни икки йиллик тизимга ўтказиш имкониятлари қўриладими?

— Академик лицей ўқувчиларининг интеллектуал қобилиятларини жадал ўстиришга қаратилган, уларнинг чуқур табақалаштирилган ва касб-хунарга йўналтирилган билим олишини таъминлайдиган уч йиллик ўрта махсус ўқув юртидир. Уларнинг ўқув дастури тегишли муддатга мўлжалланганлиги боис академик лицейларни икки йиллик қилиш имконияти йўқ.

**Муаззам ИСКАНДАРОВА (пенсионер, Уchteпа тумани):**

— Неварам икки йил аввал Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежига кирганим, лекин ярим йилдан сўнг оилавий шароитга кўра ўқишни қолдиришига тўғри келди — ўғлим ногирон бўлиб қолди, унинг тўртта фарзанди ҳам

балоғатга етмаган. Неварам ўқишни тиклаши мумкинми? Умуман, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун имтиёзлар назарда тутилганми?

— «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талаба (ўқувчи)лари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлатиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомга мувофиқ ўқувчиларнинг биринчи курсга ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш ман этилади (истисно тариқасида айрим ҳолларда талаба (ўқувчи)га касаллиги туфайли академик таътил берилиши мумкин). Бу дегани, сизнинг неварангизга имтиёз кўзда тутилмаган. Шу боис у ўзи ўқиган мактабидан 10-11-синфларда таҳсил олмаганлиги ва маҳалладан икки йил мобайнида нима билан шуғулланганлиги тўғрисидаги маълумотномалар билан олдинги ёки бошқа истаган касб-хунар коллежига қайта ҳужжат топшириши керак бўлади. Кам таъминланган оилалар фарзандларига кейинчалик, ўқиш жараёнида, ҳар бир коллеж ёки лицей ўз имкониятларидан келиб чиқиб, моддий ёрдам кўрсатиши мумкин.

**Шаҳноза МАҲАМАДАЛИЕВА (110-мактабнинг 9-синф битирувчиси):**

— Тошкент юридик коллежига ҳужжатларимни топширдим. Бу ерда талаб таклифига нисбатан катта экан. Агарда махсус синовлардан ўта олмаса, нима маслаҳат берасиз?

— Авваламбор сизга ва тенгқурларингизга омад тилайми. Агарда махсус синов натижаларига кўра тегишли балл тўплай олмасангиз, юқорида айтиб ўтилганидек, шу ердаги маслаҳат марказига мурожаат қилиб, бошқа касб-хунар коллежларида қайси мутахассислик бўйича бўш ўринлар мавжудлигига қараб ҳаракат қилишингиз мумкин.

**Ваҳобжон СОДИКОВ (Собир Раҳимов тумани, «Қизил кўча» маҳалласи):**

— Туризм коллежига кириш шартларини билмоқчи эдим. Бунинг учун компьютер асослари ва хорижий тил билиш мумкинми? Бу ерда қайси мутахассисликларга ўқитилади?

— Юнусобод туманида жойлашган туризм касб-хунар коллежиде туристик хизмат бўйича инспектор, меҳмонхона ҳўжалиги маъмури (администратори), умумий овқатланишни ташкил қилиш бўйича мутахассис ва чет эл таомларини тайёрлаш йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Коллежда компьютер саводхонлиги ва хорижий тиллар мукаммал ўргатилади. Агарда бирон-бир қўшимча тил билсангиз, ортиқчалик қилмайди.

**Наталья НИКИФОРОВА (Юнусобод тумани):**

— Ўғлим 9-синфни битирди, лекин ҳали ҳам бирон-бир касб бўйича ўқишни қаерда давом эттиришни ўзига аниқлаб олгани йўқ. Барча ўрта махсус ўқув юрлари ҳақида тўлиқ маълумотни қаердан олса бўлади? Балки бошқармангиз томонидан махсус тўплам чиқарилгандир?

— Бунинг учун унингизга яқин жойлашган касб-хунар коллежи ёки академик лицейга, шу ердаги маслаҳат марказига мурожаат қилиб, шаҳримиздаги барча ўрта махсус ўқув юрлари бўйича маълумот олишингиз мумкин. Шунингдек бу ҳақда тегишли ахборотни «Маърифат» («Учительская газета») газетасининг 50-51 сонларидан топшингиз мумкин. Ушбу нашрларда тизимдаги шаҳримизда жойлашган 117 та ўқув юрлари манзиллари, йўналишлари кўрсатилган. Бундан ташқари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг 40 фойздан зиёди ўз сайтларига эга, улар орқали кўпгина ўқув

юрлари ҳаётдан қизиқарли маълумотлар олиш мумкин. Махсус тўпламга келсак, сизнинг таклифингиз инобатга олинади ва айни кунларда шундай адабиётни нашрга тайёрлаш учун имкониятлар изламоқдамиз.

**Илхом ОЛИМОВ («Камолот» ЕИХ Бектемир тумани бўлими раиси):**

— Қайси ўрта махсус ўқув юрларида стипендия тўланади?

— Академик лицей ва касб-хунар коллежлари мажбурий узлуксиз таълимнинг тариқбиде бўлганлиги боис бу ўқув юрларида ўқувчиларга стипендия тўланмайди.

тўплай олмаса, шу натижалар билан у танланган ўрта-махсус ўқув юртига тегишли равишда кириш имкониятига эга.

**Умида АЗИЗОВА (9-синф ўқувчиси), Шаҳноза ҚОСИМОВА (63-мактаб битирувчиси):**

— Тошкент юридик коллежига кириш тартиби қандай, ўқиш пуллими ёки бепул? Қайси институт ўқитувчилари бу ерда дарс беради?

— Барча ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари қатори, бу коллежга ҳам 9-синфни битирган ўқувчилар аризаларига

ланган тартибда тўлов-шартнома асосида 2-курсга қабул қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 октябрдаги «Муддатли хизмат ҳарбий хизматчиларига ва уларнинг оила аъзоларига қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ва ҳарбий қисмлар тавсияномасига эга бўлган ёшлар, олий ўқув юрлари каби, ўрта махсус таълим муассасаларига ҳам қабул қилинишида махсус синовлар натижасида тўплаган балларига қўшимча энг кўп тўпланиши лозим бўлган

рувчиси):

— Тошкент педиатрия-тиббиёт институти қошида қандай ўрта махсус ўқув юрти бор, бу ерда қайси йўналишлар бўйича таълим берилади?

— Юнусобод тумани, Ж.Обидова кўчаси, 233-уйда жойлашган Тошкент педиатрия тиббиёт институти негизида Юнусобод академик лицейи мавжуд. Ўқиш муддати уч йил ва бу ерда тиббиёт соҳасига оид табиий фанлар — кимё ва биология чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилади.

**Юлдуз РИЗАЕВА (Жаҳон тиллари университетини талабаси):**

— Тошкентда ўрта махсус таълими доирасида стоматология соҳаси мутахассисларини тайёрлайдиган ўқув юрти борми?

— Пойтахтимизда иккита шундай ўқув юрти бор. Стоматология соҳаси мутахассислигига Республика электротехника (Чилонзор тумани, Нурхон кўчаси, 160-уй) ҳамда М.Турсунхўжаев номи (Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш даҳаси, 2/5 мавзе, Ўразбоев кўчаси, 17-а-уй) тиббиёт коллежларида ўқитилади.

**Маҳбуба МУРОДОВА (Ҳамза тумани):**

— 5-7 синфни битирганлар учун ҳам лицейлар борми?

— Тошкент Ислам университети қошидаги академик лицей, тўққизинчи синф битирувчиларидан ташқари, 5-7-синфни тамомлаган ўсмирларни ҳам ўқишга қабул қилади. 12-14 ёшдаги ўғил-қизларнинг мусиқага мойиллиги бўлиб, мусиқа мактабиде таҳсил олаётган бўлса, ўқишни Успенский ёки Глиэр номидаги академик лицейда давом эттириши мумкин. Бу ерда улар шунингдек тўлиқ ўрта маълумотга ҳам эга бўлишади.

**Саидвали ЛАТИПОВ (Наманган вилояти):**

— Бу ўқув йилидан коллежларда сиртки таълим бўлмас экан. Лекин ҳам ишлаб, ҳам ўқиш кунда қулайку...

— Шу кунгача касб-хунар коллежларида таълим кундузги бўлганлигини таъкидламоқ лозим. Шундай бўлсада, айни пайтда корхона ва ташкилотларда ишлаётган, аммо мутахассислик дипломи бўлмаган фуқаролар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда амалиёт юритаётган мутахассислиги бўйича коллежларда ўқишни ташкил этиш марраси тегишли даражада кўриб чиқилмоқда.

**Мухайё ҲАСАНОВА (Собир Раҳимов саноят коллежи битирувчиси):**

— Коллежини аъло баҳоларга битирганман, энди Педагогика университетига кирмоқчиман. Бу борада имтиёзлар кўзда тутилганми?

— Афсуски, сиз каби яхши ўқиган ва ўрта махсус ўқув юрларини аъло баҳоларга битирганлар учун имтиёзлар назарда тутилмаган. Шунинг учун сиз олий ўқув юртига киришда ҳамма қатори умумий шартларга биноан ўз кучингизни синаб кўришингиз мумкин. Омад ёр бўлсин сизга.

**Шахло СОЛИХОВА:**

— Қизим юридик коллежини битиргач турмушга чиқди. Ҳозирги кунда ишга кириш истагиде. Қаерга мурожаат қилиши лозим?

— Иш юзасидан қизингиз юридик коллежи раҳбариятига ёки Ўрта махсус, касб-хунар таълим бошқармаси (136-05-01) га мурожаат этиши керак. Шунингдек, яшаш жойи бўйича туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасида ҳам мутахассислиги бўйича вакант жойларни суриштириб кўриш мумкин.

Машиий хизмат кўрсатиш коллежининг битирувчиси ва айни пайтда ишга жойла-

шиш мақсадида бўлган Улуғбек Фармонбековга ҳам шу йўналишда ҳаракат қилишни тавсия қилайми.

**Рустан ШОИМКУЛОВ (9-синф битирувчиси):**

— Олий ўқув юрларида грант ва шартнома асосида ўқиш шартлари бор. Ўрта махсус таълим тизимида қандай?

— Тўққизинчи синфни битирганлар учун академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқиш бепул. Тўлиқ ўрта маълумотга эга бўлганлар учун ўқиш танланган мутахассислиги бўйича тўлов-шартнома асосида амалга оширилади.

**Мухаббат УМАРБЕКОВА (Мирзо Улуғбек тумани):**

— Ўғлим Тошкент электротехника тиббиёт коллежининг иккинчи босқич ўқувчиси. Ҳаммаси яхши, лекин бу ерда барчага муносабат бирдай, яъни яхши ўқиганларга ҳам, ўқий олимаганларга ҳам даражада бўлмаганларга ҳам. Аълочилирини қандайдир қўллаб-қувватлаш имкониятлари борми? Яна бир савол. Айрим фанлар бўйича ўқув адабиётлари етишмайди. Бу масала қандай ечимини топмоқда?

— Аксарият ўқув юрлари бу борада турлича ёндошли иш юритмоқда. Хусусан, айримларида имкониятлардан келиб чиққан ҳолда яхши ўқийётган ўқувчилар учун стипендия тўловлари жорий этилган. Ўз негизиде ўрта махсус ўқув юрлари бўлган институт ёки университетлар томонидан ҳам аълочилар моддий рағбатлантириб турилади. Иккинчи саволга келсак, ҳақиқатан ҳам ўтган ўқув йилида лотин графикаси асосида таҳсил олган ўқувчилар учун мутахассисликлар бўйича айрим адабиётлар етишмаганди. Бу ўқув йилида ушбу масаланинг кун тартибидан чиқарилишига ҳаракат қилинмоқда.

**Наргиза ШОКИРОВА (Миллий университет қошидаги академик лицей ўқувчиси):**

— Олий ўқув юртига киришда аълочилар учун имтиёзлар борми?

— Агарда академик лицей ёки касб-хунар коллежи битирувчиси умумий фанлар бўйича олимпиада, халқаро танловлар ёлиби бўлса, тегишли йўналиш бўйича олий ўқув юртига таълим олишга қабул қилинади.

**Акрам НИФМАТОВ:**

— Ўғлим банк-кредит коллежига кирмоқчи. Бу ерда қайси йўналишлар бўйича кадрлар етиштирилади? Тугатгач, кейинчалик қаерда ишлаш мумкин?

— Мазкур касб-хунар коллежиде банк иши мутахассислиги бўйича билим берилади. Демак, ўқишни битиргандан сўнг фарзандингиз асосан молия тузилмалари, шу жумладан банк муассасаларида ишлаши мумкин.

**Азиза МУҲАМЕДОВА (45-мактаб битирувчиси):**



— Республика педагогика коллежига ўқишга кирмоқчи эдим. Энди билишимча, бошланғич синф ўқитувчиси ҳам албатта олий маълумотли бўлиши шарт экан. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Афсусланиш асло ўринсиз. Ўзингиз ёқтирган касбини ўрганмоқчи экансиз, ҳаракатингизни сундирманг. Қайд қилинган коллежни битиргач, сиз мактабда эстетик тарбия ташкилотчиси, меҳнат тарбияси ташкилотчиси ёки кунчи узайтирилган гуруҳ тарбиячиси, шунингдек мактабга тарбия муассасасида тарбиячи мутахассисликлар бўйича уч йил фаолият юритиб, керакли меҳнат стажига эга бўлган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда уч йил давомида Тошкент давлат педагогика университетиде тахсил олишингиз ва шундай аснода олдингизга қўйган мақсад — халқ таълими тизимида етуқ мутахассис ўқитувчи устоз номига эришингиз мумкин.

**ТАҲРИРИЯТДАН: Бевосита мулоқот давомида газетхонлар томонидан билдирилган барча саволлар юқорида акс эттирилмаган бўлиши мумкин. Шунинг билан бир қатори «Оқшом»нинг кейинги сонларида ушбу мавзуга яна бир бор қайтишни режалаштирмоқдамиз.**

Бевосита мулоқот материалларини Иълмира ЗАЙНУТДИНОВА тайёрлади.

# МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ДАВР ТАЛАБИ



**Игорь АНДРЕЕВ (11-синф битирувчиси):**

— Ўтган йили Ахборот технологиялари университетига кириб ўқиш насиб этмади. Бу йили ҳам кучимни синаб кўрмоқчиман, лекин, агарда омадним яна қолмаса, коллеж доирасида қайси шартлар асосида радиотехника мутахассислигини эгаллашим мумкин? Мен ахир тўлиқ ўрта маълумотлиманку... Умуман олганда, 11-синфни битирганларнинг агарда мутахассислиги бўлмаса, нима қилиши керак (олий ўқув юртида шартнома асосида ўқишга имконияти йўқлигини ҳам инобатга олган ҳолда)?

— 11-синфни битирган ўғил-қизлар ўрта махсус ўқув юрларида у ёки бу мутахассисликка ўқиши мумкин, аммо бу шартнома асосида, яъни ўқиш пулли бўлади. Шартнома тўлови миқдори ҳар бир ўқув юртида алоҳида белгиланган, лекин олий ўқув юрларига қараганда сезиларли фарқ қилади. Ўқиш муддати танланган мутахассисликка қараб — 1,5 йилдан 3 йилгача. Ўз навбатида, сиз истаган мутахассислик бўйича Тошкент радиотехника ва автоматика касб-хунар коллежиде тахсил олишингиз мумкин. Бу ўқув юрти Чилонзор даҳаси, 20-мавзе, Катта Қавни кўчаси, 52-уйда жойлашган. Яна бир мўҳим қўшимча. Агарда олий ўқув юрти абитуриенти кириш учун тегишли балли

кўра бепул танловсиз қабул қилинади. Аризалар сони қабул кўрсаткичларидан кўп бўлган ҳолларда мазкур ўқув юрларида махсус синов ўтказилади.

Барча академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўз йўналиши бўйича тегишли олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик шартномаларини тузган ва шу шартнома асосида институт ва университетлар малакали профессор-ўқитувчилари дарс беришга жалб этилади. Қайд қилинган касб-хунар коллежиде мутахассислик ва умумий фанлар бўйича дарсларни Тошкент Давлат юридик институти ва педагогика университети ўқитувчилари олиб боришади.

**Нилуфар МИРЗАЕВА (Мирзо Улуғбек тумани):**

— Укам 11-синфни тугатиб, Куролли Кучлар сафларида хизмат қилмоқда. Кейинчалик унга коллежга кириш кеч бўлмайдами?

— Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш давлат комиссияси томонидан 2001 йил 10 июлда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига ўрта маълумот (11-синф) негизиде ўқувчиларни қабул қилиш тартиби ва қоидалари тўғрисида»ги Низомга асосан 11-синф маълумотига эга абитуриентлар ўқишга белги-

балл миқдорининг 10 фоизини қўшган ҳолда имтиёзга эга.

**Захро КОМИЛОВА (9-синф битирувчиси):**

— Менга тиббиёт йўналиши бўйича тавсиянома берилган. Лекин бу соҳага тааллуқли бўлмаган коллеж ёки лицейга киришим мумкинми?

— Касбга йўналтириш ва психологик-педагогик ташвиш марказлари томонидан берилган тавсиянома билан сиз ўзингиз хоҳлаган ўқишга киришингиз мумкин ва бунда аниқ йўналиш бўйича берилган тавсиянома ўз кучини йўқотмайди.

**Абзалжон УСМОНОВ (Ҳамза тумани):**

— Маълумки, касб-хунар коллежини битириб, ишлаш мумкин. Лицейни битиргач ўқишни давом эттиришининг илоҳи бўлмаган тақдирдачи?

— Академик лицейларда ўқишни олий таълим муассасасида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқариш мақсадида билимлар даражасини ошириш ва махсус касб-хунар кўникмалари шаклланиши таъминланиши ва қўшимча ихтисослик берилади. Демак, олий ўқув юртига киролмаган лицей битирувчиси ўрта махсус таълими йўналишида қўшимча олган ихтисослиги бўйича ишлаши мумкин.

**Гулноза ЙЎЛДОШЕВА (9-синф бити-**

Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубонасини маънавият хазинаси дейишади. Чиндан ҳам шундай. Унинг нодир нашрлар ва қўлёзмалар бўлимида аждодларимиз томонидан ёзил қолдирилган қўлёзма асарлар, ноёб манбалар, ҳужжатлар, китоблар, тарихий фоторасмлар, турли тарихий хариталар, кўплаб тадқиқотчилару олимлар эътиборини ўзига тортадиган халқаро тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган 594 жилдан иборат «Турк истоп тўплами» асарлар давомида эҳтиёткорлик билан сақланиб келинмоқда.

Уларнинг ичида энг ноёби ва қимматлиси, бу — «Туркiston альбоми»-дир. Урта Осиё, жумладан юртимиз ерларидаги бепойаб саҳролардан тортиб, гуллаб-яшнаётган оромбахш водийлар, сеҳрли тоғ дарёлари, бу ерларда яшовчи маҳаллий халқлар ҳаёти ҳамда уларнинг қадимий маданияти, моддий ва маънавий турмуши қай даражада эканлигини мана шу фотожўзатларда рангли расмларда — «Туркiston альбоми»да аниқ кўриш мумкин. Ушбу альбомни тайёрлашдан олдин XIX асрнинг 60-70 йилларида маҳаллий ҳаваскор ўлкашунос, қадимшунослар, хаттот ва расмолар билан бирга илгор фикрли айрим рус шарқшунос ва элшунослари юртимиздаги қадимий жойлар, тарихий обидалар, ерли халқнинг турмуш тарзи, касб, ҳунари, ҳўжалигини санчиқлаб ўрганиб, тарихий буюмлар, осори-атикалар, ёдгорликлар, хўнарманчилик дастгоҳлари, буюмлари, уй-рўзгор, ҳўжалиқда, дала меҳнатига, умуман олганда тиркичилик учун зарур бўлган буюмлардан намуналар ва уларнинг чизма рангли расмлари, фотосуратларини олишган, шулар асосида альбом тузишга киришилган. Ушбу альбом 1871-1872 йилларда шарқшунос ва элшунос олим Александр Кун (1840-1888 й) раҳбарлигида тайёрланган. Бу альбом ўзининг тузилиши жиҳатидан 447 та картонли варақдан иборат бўлиб, унга 1262 та турли фотосуратлар ва рангли расмлар жойлаштирилган. Элшунослик, қадимшунослик, хўнарманчилик ва тарих бўлиmlларини ўз ичига олган бу мажмуа — альбом XIX ас-

Ўтмишимизнинг бебахо қўзғиси

СУРАТЛАРДА ЎЛКАМИЗ ТАРИХИ

нинг иккинчи ярмида халқимизнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, турли маросимларни ўтказиш, ҳўжалик ва кишлок ҳаёти, водийларнинг манзаралари, хўнарманчилик, савдо-сотик тарихи билан яқиндан таништиради. Ушбу альбомда халқимизнинг миллий санъати, турли ўйин-томошалари, миллий кийим-кечаклар, мусиқа асбоблари, хўнарманлар тайёрлаган турли хил буюмлар ҳам ўз ифодасини топган. Альбомга асосан Туркistonда яшовчи аҳолининг моддий маданияти, турмуши, табиати ва тиркичилигини акс эттирадиган расмлар, тасвирлар кўплаб киритилган.

Ўқорида айтиб ўтилган суратларда этнография (элшунослик)га доир жуда кўп нарсаларни аниқлаш мумкин. Бу материаллар — расмлар турли соҳалар бўйича илмий изланишлар олиб бораётган олимлар учун зарур ва муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

«Туркiston альбоми»да айниқса Бухоро, Самарқанд, Хива, Қўқон, Тошкент каби тарихий шаҳарларда яшовчи аҳолининг турли кўринишлари, этник тузилишлари, кийим-кечаклари, уй-рўзгор ашёлари, урф-одатлари, диний ва миллий удумлари, тўй ва дафн маросимлари, турли хил халқ сайиллари ва байрамлари, моддий маданияти, касб-ҳўнар, тиркичилик учун зарур бўлган буюмларга доир кўплаб расмлар берилган. Шунингдек, ушбу альбомда қадимий шаҳарлардаги тарихий-меморий обидалар — масжид, мадраса, мақбара, карвонсарой, шаҳарларнинг мудофаа девори қолдиқлари ва дарвозалари, сувсиз сайролардаги сардобалар, бир замонлар гуллаб-яшнаган, ривожланган, кейинчалик турли сабабларга қўра вайрон бўлиб қалбага айланган сарой, ўрда, халба қолдиқлари ҳам ўз ўрнини топган.

Альбомнинг касб, ҳўнар, тиркичилик воситаларига бағишланган қисмида биз XIX асрнинг иккинчи ярмида пахтани қайта ишлаб чиқариш, ундан тайёрланган буюм-

лар, ип йиғириш, бўяш, оддий даст-гоҳда гилам, мато тўқиш каби жараёнларни кўраимиз. Шунингдек, альбомдаги расмлар орасида кундалик турмушнинг айнан ўзидан олинган «Чарччи иш устида», «Отни тақалаш», «Чойхонадаги гурун», «Сартарошхонада», «Тандирда нон ёпилмоқда», «Дерез устaxonасида чўяни эритиб, қоллига солмоқда», «Мисгар ва заргар ўз дўконида», «Сопол буюмлар дўконига савдо», «Темирчилик устaxonаси», «Этиқдўз ва этик...» мавзуларидаги бебахо суратларни кўраимиз. Хуллас, халқимизнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қайноқ ҳаёти, турмуш тарзи, меҳнати, ижоди, ҳўнарини ўрганишида бу нодир тарихий расм, тасвирлар муҳим ҳўжат бўлиб хизмат қилади. «Туркiston альбоми»да Самарқанднинг машҳур тарихий-меморий обидаларига ҳам кенг ўрин берилган. Бунда Самарқанд қалъаси ва унинг ичида 1371-1372 йилларда Соҳибқирон Амир Темур томонидан ўша даврнинг обрўли кишиларида бири бўлган Суфий Нуриддин Башир учун тикланган мақбара, Шохизинда маҳмуасидаги мақбаралар, Гўри Амир мақбараси, Нодир Девонбег мадрасаси, Регистон майдонидаги Улугбек, Шердор, Тиллақори мадрасалари, Шайбонийхон даҳмаси, ёзувли қабр тошлари, ҳазрати Хизр масжиди, Бибихоним мадрасаси, Ишратхона, Хожа Аҳрор масжиди, Рухобод, Маҳдуми Ўзамнинг Даҳдадаги тарихий обидалари ва бошқа буюмлар тасвирланган.


Альбомда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмининг умумий кўриниши, унда Эски Жўва бозори, савдо дўконлари, расталари, савдо манзараси, дўппи ва чолон бозори, тандир ва сопол буюмлар бозори, сомон ва беда бозори, галла ва мол бозори, бўёқчилик, кулолчилик, мўйнадўзлик, этиқдўзлик устaxonалари, заргарлик ва мисгарлик дўконлари, чарччи иш устида, каштадўз аёл, миллий кийимдаги аёл, аравақаш, чойхонада мавзулари меҳнат қуроллари, кундалик

уй-рўзгорда ишлатиладиган буюмлар ва бошқа ҳўжалик буюм ва асбоблари кўрсатилган. Буларнинг ҳаммаси XIX асрда яшаган тошкентликларнинг турмуш тарзи, ҳўжалик юртиши, тиркичилиги, касб-ҳўнарини, кундалик ҳаётини намоийш этади. Альбомда шунингдек, Тошкентнинг қадимги тарихий обидалари, Хўжа Аҳрор масжиди ва мадрасаси, Кўқалдош, Бароқхон, Бекларбег мадрасалари, Шайх Зайниддин бобо, Шайх Хованди Тоҳур, Имом Кафқол Шойший, Юнусхон мақбаралари, Кўқмасжид ва хотин масжиднинг тасвирий расмлари берилган. Яна бу ерда Тошкент кўрғони, вайрона, хароба ҳолдаги карвонсарой, нураган, харобага айланган айрим масжид ва мадрасалар, катта ҳудудни эгаллаган савдо иншоотлари — ярмарка учун маҳсус қурилган кўлаб бинолар тасвирланганки, биз бу расмлар орқали биноларнинг қурилиш услуби, тузилиши, безаги шунингдек биноқандай мақсадларда фойдаланилганлигини ҳамда уларнинг бизгача қай даражада сақланиб қолганлигини билиб олишимиз мумкин. Шунинингдек қайд қилиб ўтиш керакки, альбомдаги тарихий суратлар орасида айниқса, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмини характерлайдиган турли тарихий ва этнография манзаралар диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда ушбу альбомдаги фотосуратлар ўша даврдаги афзал эканлиги ҳақида, меморий обидалар, тарихий жойлар, аҳоли турмуши, ҳўжалик юртиши, касб-ҳўнари ва бошқа соҳаларини ўрганишда асосий манба бўлиб хисобланади.

Туркiston ўлкасининг археология, этнография, касб-ҳўнар ва тарихига доир суратли альбом нодир асар бўлиб, ҳозиргача ўзининг тарихий, бадий ва илмий қимматини йўқотгани йўқ. Альбом халқимиз ҳаётининг бир асрдан ортиқроқ тарихи солномасидир.

**Рашид БОЙТЎЛЛАЕВ**  
СУРАТЛАРДА: альбомдан ўрин олган ноёб суратлар.



ТИББИЙ КЎРИК — СОҒЛОМ ОИЛА

Мамлакатимизда бўлгуси ота-оналар саломатлигини яхшилаш, соғлом фарзанд дунёга келиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ҳамда келажак авлод камолотига салбий таъсир этадиган юқумли ва оғир хасталиқларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда эълон қилинган «Ниқоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори муҳим омили бўлаётди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ бўлажак келин-қўвлар оила қуришдан олдин тиббий мутахассислар кўриқдан ўтказилади.

—Илгари ёшлар бундай текширувдан ихтиёрый равишда ўтишмас эди, — дейди Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Гулнора Бурхонова. — Шу боси турли касалликлар билан боғлиқ ажралишлар, дунёга келаятган чақалоқлар ўртасида тумна хасталиқлар кўп учради. Аҳвол тубдан ўзгарди. Бугунги ёшлар тиббий кўриқнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини яхши тушунишди.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасидан хабар қилишларича, шу кунгача ўн икки мингга яқин пойтахтлик йигит-қиз ана шундай текширувдан ўтказилган. Афсуски, улар орасида тиббандлик ва ОИТС сингари оғир иллатлар домига тушиб қолганлар борлиги ҳам аниқланди. Айни пайтда касаллик тўрисида уларнинг иккиси ҳам хабардор этилиб, тегишли маслаҳатлар берилгати.

Бу каби ҳолатларга чек қўйиш мақсадида «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жағмаралари, Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда ҳар томонлама мустақам оилани шакллантириш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш муаммолари бўйича жойларда ёшлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

**Х.САЛИМОВ,**  
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўرғазмалар залида «Рангтасвирда давр қиёфаси» мавзусидаги қорақалпоқ расмолари кўрғазмаси очилди.

Кўрғазмалар

РАНГТАСВИРДА ДАВР ҚИЁФАСИ

Кўрғазма экспозицияларида қорақалпоқ расмолари Жоллибай Изентаев, Базарбай Серкеев, Сарсенбай Байбосинов, Узакбергел Сапаровларнинг этнографик, лирик, замонавий йўналишлардаги асарлари намоийш этилмоқда. Кўрғазмадаги асарларнинг йўналишлари ҳар хил бўлишдан қатъи назар, мақсади бирдир. Асарларнинг асосий тўғриси қорақалпоқ аҳолисининг ҳаёти, тумуш тарзи, табиати, ҳайвонот дунёсини тасвирлаб беришдир. Шунингдек, Орол денгизи муаммоси рангтасвир, пейзаж ва бошқа жанрда намоийш этилган бўлиб, Қорақалпоғистон машҳур расмоларининг давр билан ҳамоҳанг бадий-фалсафий жиҳатларини, бетакор қирраларини намоийш этиш кўзда тутилган эди.

Жумладан, «Орол», «Балиқчи», «Орол қайғу», «Орол уйлари», «Балиқчи», «Балиқчи рафқаси», «Чўл кемалари», «Балиқ» каби асарлари орқали Орол денгизининг қуриб бораётганини, бунинг олдини олишга қаратилган чоратadbирларни акс эттирилганлиги гувоҳ бўлави.

Кўрғазмада намоийш этилаётган 70 дан ортиқ асарларда расмоларнинг ҳайвонот дунёсига улкан меҳри, қорақалпоқ аёллари, урф-одат ва айналарни, маросимларининг катта маҳорат билан тасвирланганлиги санъат ихлосмандларининг эътиборини тортмоқда.

Юлдуз РИЗАЕВА

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ЎРТАНИЙ ДОМО БИЛУР...**

- ХИКОЯТ. Сўзлари адаб га-вҳарининг тожи, ўзи араб ҳақим-ларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйидаги ҳикмат-ларни нақл қиладилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтир-моқ зиёнга йўл қўймоқ ва мило-матга қолмоқдир.
- Агар кўрсангни йўлда чоҳдир, Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!
- Байт: Агарчи жим ўтирмоқ хирадманд наздида хушдир, Валекин маслаҳат пайтида хуш бўлғай фикр айтмоқ. Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмоқ бефаҳмликдир. Керак пайтида сўз айтмай, ноқерак пайтида дам урмоқ!
- Яъни жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни йўлаб иш ту-тувчилар учун нолойиқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номуво-фикдир.
- Ақлу тadbир билан йўлаб қарадим, Сергап бўлса ҳар жим доим хор экан. Айтмагайман лабу кўзни юм доим, Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.
- ХИКОЯТ. Айтишларича, бе-худа сўзлашдан қўра жим ўти-ришлик афзал эканлиги ҳақида Рум қайсар, Хинд роҳаси, Чин фағфури ўртасида мунозара бўлиб ўтган эди. Улар ўзаро бир фикрга келдилар ва бир маъно-даги сўзларни турли ибратда баён илпига тиздилар.
- Рум қайсари шундай деди: «Айтган баъзи сўзларимдан қаттиқ наҳомат тортидм. Аммо айтган сўзларимдан ҳеч пуч-шаймон бўлмадим!» Назим: Айтилмаган сўздан наҳомат етмас, Сўз айтилган, ундан зарар юзланар!
- Хинд роҳаси ақл дарёсидан дур ҳозирлаб, баён илпига терди-у, деди: «Сўз ўқи баён камони-дан ҳали отилмаган экан у ме-нинг кўл остидадир. Оғиз ка-монидан отилиб чиқса, унга энди эғалик қилолмайман!» Байт: Айтилмаган сўзни айта оларсан, Айтилгани қачон тута оларсан?! У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан уқса ва ҳар кали-ма оғиз зиндонидан қўчса уни қайтариб оламан дейиш хом ха-елликдир!» Байт: Шошилмоқдан тийгин доимо ўзни, Истаганда айтсанг бўлади сўзни!
- Чин фағфури сўз бустонидан гулдаста ҳозирлаб, тўхфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қа-фасида экан, унинг ихтиёри мен-инг изимдадир. Бордию, у тил оғиз-насида парвоз қилса ҳеч қачон уни тутиб бўлмайди.» Байт: Қуш қафасдан учиб кетганда ҳар дам, Тутаман деб уни тортмаган алам!
- Сўз келини сўзлашув парда-сидан ташқарига чиқмаган экан, тил маштоқасининг ихтиёрида-дир. Маштоқат уни хоҳласа баён боғига олиб кирди, хоҳласа пар-да орқасида пинҳон тута олади. Байт: Сўз келини жилва қилмаган замон, Соҳибнинг қўли остида пинҳон. Хоҳлаганда уни баён қилади, Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

Фестиваллар

# ХАЙРЛИ АНЪАНА

Юртимизда профессионал ва оммавий спорт, жисмоний тарбияни ривожлантиришга қаратилган муҳим эътиборнинг қанчалик самара бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтишга ҳоҳат бўлмаса керак.

Мактаб ўқувчилари, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда олий ўқув юртлири талабаларини қамраган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ҳамда «Универсиада» спорт йилларининг мунтазам ташкил этилиши, «Футболимиз келажаги», «Отам, онам ва мен — спортчи оиламиз» каби оммавий мусобақаларнинг муваффақият билан ўтказилиб келиниши аҳолининг соғлом турмуш тарзига ошно бўлишига, шунингдек мамлакатимиздан ҳар хил спорт турлари бўйича кўплаб жаҳон, қитъа чемпионлари, нуфузли халқаро турнирлари голибларининг етишиб чиқишига мустаҳкам замин яратмокда.

Шу жиҳатдан олганда шаҳримиздаги Киночилар уйда «Спорт, кино ва телевидениеда» номи спорт кинотасмаларининг биринчи халқаро фестивалининг ташкил этилиши ҳам бежиз эмас-ди. Шунингдек, киноматографларнинг асосий таъминловчилари бўлган мураббийларнинг қанчалик куюнчилиги, фидойилиги тўла-тўқис очиб берилган.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, фестивалда Хитой, Россия, Италия, Франция, АҚШ каби бу борадаги етакчи мамлакатларнинг қирққа яқин фильмлари намойиш этилди.

Жанрлар ранг-баранглиги хусусида тўхталадиган бўлсак, кўпроқ ҳужжатли фильмлар мутахассислар эътиборига ҳавола этилганлигини кўраемиз. Фестивалда турли йўналишлар бўйича энг яхши фильмларга кўплаб махсус мукофотлар топширилди. Бош соврин — «Гран при» билан аса шажароимиз — режиссёр ва оператор Қўчқор Каримовнинг «Тренер» номи ҳужжатли фильми тақдирланди.


Ушбу ўн дақиқали фильмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, эркин ва юнон-рум кураши бўйича Олимпиадага саралаш турнирининг ҳақиқонли лаҳзалари муҳрга олинган кинотасмада сўхандон матни йўқ. Спортчилар ғалабаларининг асосий таъминловчилари бўлган мураббийларнинг қанчалик куюнчилиги, фидойилиги тўла-тўқис очиб берилган.

Эндиликда «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро фестивали ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинади.

Қ.Каримовнинг «Тренер» фильми фестивалнинг бош мукофоти соҳиби сифатида шу йилнинг куз фаслида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган халқаро спорт фильмлари анжуманида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

**ДАВРОН ИСМАТОВ**  
**СУРАТДА: Қўчқор Каримовга фестивалнинг бош мукофоти топширилмокда.**

**Алишер Рискиев**  
олган сурат.



ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

## ЎҚУМЛИ ИЧАК

Давлат Мулки қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги

«РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 2,5,9,12,16,19,23,26,30 август ва 2,6,9,13,16,20,23,27,30 сентябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқлари қўйилади

Объект маълумоти	Бошланғич баҳо (сум)	Қуриладиган мажмуа тури	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси
<b>Учтепа тумани</b>			
Лутфи қўчасида, 0,04га	4 977 900		
Ширин қўчаси, 24-мавзесида, 0,028га	2 532 920		
Ширин қўчаси, 24-мавзесида, 0,043га	3 457 520		
Ширин қўчаси, 24-мавзесида, 0,0245га	2 317 180		
Ширин қўчаси, 24-мавзесида, 0,0305га	2 687 020		
Ширин қўчаси, 24-мавзесида 2-га хар бири 0,037га, дан	3 082 680		
Х.Турсунқул қўчасида туртга хар бири 0,015га, дан	3 525 300	Савдо растаси	
Х.Турсунқул қўчаси, 15-17 уйлар оралиғида, 0,05 га	5 998 018	Минимаркет	
Х.Турсунқул қўчасида, 0,05 га	5 705 634	Супермаркет	
25-мавзеси, 0,04 га	4 594 068	Супермаркет	
Лутфи қўчасида, 0,07 га	7 171 218	2-қаватли савао расталари	
24-мавзеси, 0,22 га	20 919 468	Ўзгар мажмуаси	
Сетиб олош қўчаси:	5 080 668	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	
- 39-йи ёнида, 0,04 га	3 380 668	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш шаҳобчаси	
- 36-йи ёнида, 0,04 га	3 955 068	маний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
- 36-йи ёнида, 0,03 га	7 907 268	маний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
- 23-мавзеси, 0,06га	3 444 768	Хар бири	
- 11-мавзеси, 0,03га:	2 967 768	Минимаркет ва савдо мажмуаси	
Заргарлик қўчаси:	2 876 101		
-0,02 га, дан иккита			
-0,045 га			
<b>Бектемир тумани</b>			
Соловьев қўчасида - иккита, хар бири 0,02 га, дан	4 074 268	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Х. Байқаро қўчасида, 0,02 га	30 754 268	Автомобиллар уюш шаҳобчаси	
Лойқалатли 1-40 йи (Ж.Астафова) қўчасида, 0,40 га	100 913 468	Сувоттирилган газ ёнида кўйиш шаҳобчаси	
Одигаров шўх қўчаси, «Сўчи» дахсида, 0,03 га	5 132 268	Савдо мажмуаси	
«Сўчи» дахсида, 0,015га	1 733 268	савдо, миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
«Сўчи» дахсида - иккита, хар бири 0,05 га, дан	4 276 890	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Тошкент халқа йўлида, 0,18 га	13 157 468	Мотел, ресторани	
<b>Мирзо Улугбек тумани</b>			
Х.Абдуллаев қўчасида, 0,025га	5 122 675	Дўкан	
Лайфарт қўчасида, 0,032 га	3 559 640	Минимаркет	
Матқобил қўчасида: 0,044 га	5 415 628	Савдо ва миний хизмат мажмуаси	
- 0,03га	4 536 108		
- 0,035 га	4 426 168		
- 0,06 га	7 174 668	Муздамоқ қанчаласи	
Қолиров қўчаси, «Феруза» мавзесида: - 0,05 га	4 614 768	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш ипподромлари	
- 0,08 га	6 175 548		
- иккита, хар бири 0,04 га, дан	2 797 468	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш ипподромлари	
- 0,04 га	2 307 468		
- 0,07 га	5 389 368		
Гулсара қўчасида, 0,015 га	1 677 250	Дўкан	
<b>Миробод тумани</b>			
Тошқўжаев қўчасида, 0,02га	2 561 600	Минимаркет	
У.Олимов қўчасида, 0,04га	3 509 200	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Бехтерев қўчасида, 0,045га	3 891 000		
«Кўйик-3» мавзесида, 0,02га	3 432 300	Кахвалона	
У.Олимов қўчасида, 0,06 га	5 250 600	Чойхона (муҳаммадий ипподромлари-дан маофаф сақлаган ҳолда мажмуа дархазларини сўқиб қилиш шарти билан)	
«Кўйик» дахси, 2-мавзеси, 0,20 га	22 796 268	Тўйхона ва ўзар	
Бехтерев қўчасида, 0,045 га	30 203 268	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва ювни мажмуаси куруни учун (муҳаммадий ипподромлари кўчириш шарти билан)	
Манжара қўчасида, 0,0078 га	985 435	Икки қаватли минимаркет	
<b>Юнусов тумани</b>			
Юнусов дахси, 19-мавзе, В.Высоцкий қўчасида, 0,04га	5 790 800	Савдо вуқони	
Юнусов дахси, 18-мавзе, В.Высоцкий қўчасида учта хар бири 0,03га, дан	4 857 000	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Чимкент катта йўлида, 0,03га	3 921 540	Ателье ва дўкан	
Юнусов дахси, 15-мавзе, Т.Зоҳидов қўчасида, 0,03га	3 984 420	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Майқўрғон ва Тикланди қўчалари кесинишида, 0,03га	2 506 470	Дўкан	
Майқўрғон ва Хасанов қўчалари кесинишида, учта хар бири 0,025га, дан	4 215 000	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Майқўрғон ва Тикланди қўчалари кесинишида, 0,10га	6 009 000		
ТХАЙ, 19-мавзеси, 0,02 га	3 919 708	Икки қаватли савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
А.Дониш қўчаси, 12-мавзеси, 0,02 га	3 669 468	Икки қаватли савдо-маний хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланиш мажмуаси	
«Хасанов» дахси, 2-мавзеси: - 0,06га	5 692 188	Савдо-маний хизмат кўрсатиш ва умумий оқватланиш мажмуаси	
- 0,04 га	3 448 668		
Г.Полковник Ҳўжаев қўчасида, 0,03 га	3 432 750	Савдо-маний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Мойқўрғон қўчасида, 0,02 га	2 998 348	2-қаватли савдо-маний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
<b>Собир Раҳимов тумани</b>			
Юнусов қўчасида (банк коллежга риворасида), 0,04 га	3 669 468	Икки қаватли дўкан	
Камарипо қўчасида, 0,05га	5 592 000	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
<b>Чилонзор тумани</b>			
Чилонзор дахси, 19-мавзе, 2-Каторго қўчасида иккита хар бири 0,012га, дан	3 374 880	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Чилонзор дахси, 10-мавзе, Тахтасўз қўчасида 0,024га	3 349 058	Савдо мажмуаси	
- 3-мавзеси, 0,015 га	3 735 016		
С.Юнусов қўчасида - туртга, хар бири 0,018 га, дан	2 480 268	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш растаси	
- 16-мавзеси, 0,04	5 294 668	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
- 1-мавзеси, 0,025 га	3 006 268	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
<b>Хамра тумани</b>			
Шоҳзода қўчасида, 0,007га	2 290 200	Маний хизмат кўрсатиш биноси	
Калишев қўчасида, 0,04 га	1 808 600	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
<b>Шайхонтоҳур тумани</b>			
«Жар-Арик» мавзесида, иккита хар бири 0,0108га, дан	2 495 444	Савдо растаси	
«Жар-Арик» қўчасида, саккизта хар бири 0,0216га, дан	3 699 687	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Белтепа-Жарарик мавзелирида: 0,04 га	4 759 668	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Белтепа-Жарарик мавзелирида: 0,03 га	3 714 318	Савдо ва миний хизмат кўрсатиш мажмуаси	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил халқа йўлида, 0,04 га	3 664 868	Икки қаватли савдо дўкони	
Белтепа мавзеси, Тошкент автомобил халқа йўлида, 0,06 га	5 595 948	Икки қаватли қурилиш моллари дўкони	
«Чорсу» мавзесида, 0,02 га	5 577 268	Озиқ-овқат дўкони	
Есеини ва Вузғун кўчалари кесинишида, 0,0084 га	2 547 285	Савдо дўкони	
<b>Сертеп тумани</b>			
Чоптепа қўчасида саккизта хар бири 0,009га, дан	1 499 265	Хунарманда-лар растаси	
Сирғани дахси, 1-мавзесида Сертеп кўчи, 0,03га	3 411 000	Кабаре-ресторан	
А.Ахматова қўчасида 0,06га	4 491 600	Маъмурий бино ва офис	
А.Ахматова қўчасида 0,3га	19 230 000	Хўсейн шифохона	
А.Ахматова қўчасида 0,18га	3 705 000	Кичик меҳмонхона	
Сертеп қўчаси, «Сертеп» дахси, 3-мавзеси, 0,054 га	5 012 208	Умумий оқватланиш мажмуаси ва дўкони	
«Кўйик» дахси, 5-мавзе, Ким-Пен-Хи қўчаси, 0,01 га	2 832 268	Фитобар ва дўкан	
Янги Сертеп қўчаси, 0,15 га	10 018 500	Махсуллангиралган дўкан	
«Сўпик» дахси, 10-мавзе, Смоленск қўчасида, 0,08 га	4 376 268	Икки қаватли охиона ва чойхона	
<b>Яккасаров тумани</b>			
Чўнон ота қўчаси, 0,006 га	1 026 618	Дўкан	

Ер участкасининг узоқ мuddатли ижара ҳуқуқининг бошланғич нарҳига ер участкасининг лойиҳалаш учун керакли дастлабки ҳужжатлари тўғрисида тайёрлаш харажатлари қўшилган. Ҳужжатлар тўғрисида қуйидагилар кирлади:

1. Ер участкасининг чегараси ;
  2. Меъморий-лоийха вазибалари АПЗ-1, АПЗ- II;
  3. Топографик сьемка, масштаб 1:500;
  4. Муҳандислик- геологик лойиҳа;
  5. Шаҳарозолик талаблари ва қуриладиган бино эскизи.
- Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади. Савдолар соат 11-00да бошланади.
- Савдода қатнашиш истиғини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нарҳидан 5% миқдорда закатал пулини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУКА АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 20439967, 20210000804243151001 х/р тўғрисида.
- Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр қўчаси, 16 «А» уйда ўтказилади.

Телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.

**Спорт**

**ОЗГИНА ИЛГАРИЛАШ БОР**

Маълумки, чарм тўп ишқибозлари ФИФАнинг ҳар ойда миллий терма жамоаларнинг нуфузини белгилайдиган рейтинг жадвалларини эълон қилишини орзиқиб кутишди. Негаки, унда сўнгги ўйинлар натижаларига кўра шу ойда айнан у ёки бу терма жамоанинг эгаллаб турган ўрни акс этади.

Куни кеча Халқаро футбол федерацияси июль ойининг рейтинг жадвалини эълон қилди. Кутилганидек, таркибда Роберто Карлос, Рональдо, Рональдино каби улкан юлдузлар мавжуд бўлган сўнгги жаҳон чемпиони — бразилияликлар ҳамон пешақадамликни кўлдан беришмаяпти. Аргентина терма жамоаси эса ҳозирча иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

2006 йилги жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш bosқичида оламшумул турнирга чиқиш учун курашни давом эттираётган, янги, кучли бош мураббий топиб, ўйинини янада кучайтиришга интилаётган мамлакатимиз терма жамоасининг ҳам рейтинг жадвалидаги ўрни бир поғонага юқорилади. Чунинчи, миллий терма жамоамиз футболчилари ҳозирда 53-ўринни банд этиб туришибди.

**МУВАФФАҚИЯТЛИ ҚАТНАШИШДИ**

Куни кеча ўз ниҳоясига етган спорт гимнастикаси бўйича Болгариянинг очик чемпионатида мамлакатимиз қизлари юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди.

Шуни таъкидлаш керакки, очик чемпионатда бешта мамлакат вакиллари иштирок этишгани сабабли кучли рақобат остида юқори натижаларга эришиш осон кечмади. Шундай бўлса-да қизларимиз аъло даражада қатнашишиб, мутахассисларимиз ишончини оқлашди. Жумладан, катталар ўртасида ўтказилган мусобақаларда иштирок этган Анна Нинкова битта олтин, иккита кумуш ҳамда битта бронза нишонларининг соҳиби бўлиб, катта муваффақиётга эришган бўлса, ўсмирлар баҳсида галаба учун кураш олиб борган Луиза Галулина иккита олтин медални кўлга киритди. Кувонарли томон шундаки, Луиза барча рақибларини ортда қолдирган ҳолда кўпкурашда галаба қозонишга муваффақ бўлди.

(Ўз муҳбиримиз)

Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 4-ўрта умумтаълим мактаб томонидан 2004 йилда Тураходжаева Нодира Саидаллоходжаевна номига берилган О'Р-А №1708310 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Ўз — қўлмоқда соғ**

**КИМ ЭПЧИЛУ КИМ ЧАҚҚОН?**

Ёш авлодни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, болаларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишларини тўғри ташкиллаштириш ҳамда ёзги таътиллариини маъмули ўтказишга кўмаклашиш мақсадида «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан «Ёзни «Камолот» билан!» лойиҳаси бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, лойиҳа кўллаб тадбирларни ўз ичига олган бўлиб, улардан бири шаҳардан ташқаридаги оромгоҳларда «Камолот» кунлари»ни ўтказишдан иборатдир. Туманда жойлашган «Қизилтепагеология» корхонасига қарашли тоғ ён бағрида жойлашган «Геолог» оромгоҳида ўтказилган тадбирлар ҳам шулар жумласидандир.



Икки кун давом этган ушбу тадбир доирасида дастлаб гуруҳларга бўлинган ҳолда дам олувчи ёшлар болалар шоири, шифокор ва таниқли спортчилар билан суҳбатлар ўтказилди. Кун бошидан ўқувчилар билан ОИТС ва гиёванлик, дунёдаги глобал муаммолар юзасидан семинарлар ташкил этилди.

Сўнг ўқувчилар «Камалак-экспресс» тадбирига йўл олдилар. Ушбу тадбирда «Геолог» оромгоҳида ҳордик олаётган фаол ўқувчилардан 60 нафари иштирок этишди. Тадбир давомида ҳар бир жамоа «Боулинг», «Ақл чархи», «Спорт саволлари», «Кувноқ эстафета», «Ким эпчилу ким чаққон?» шартлари бўйича ўз билимлари ва кучларини синашди.

Жанубий Кореянинг «Анак» ташкилотидан ташриф буюрган ёшлар билан ҳамкорликда маданий тадбир ҳам ташкиллаштирилди. Унда «Салом, Ўзбекистон», «Қани, ёшлар» мавзусида кўшиқлар куйланди. Унга ёшлар жўр бўлиб рақсга тушдилар. Ушбу тадбирларда 80 нафар ўқувчи иштирок этди. Шунингдек, тадбир давомида «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» бўйича давра суҳбати, «Нима? Қачон? Қаерда?» интеллектуал ўйинлари ўтказилди.

Тадбирда фаол иштирок этган ёшларга «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими Кенгаши томонидан Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

**Азимжон ХУСАНОВ,  
Азиза МУХАМЕДОВА.**

**СУРАТЛАРДА: «Геолог» оромгоҳида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

Пойтахтимиздаги «Умид болалар спорт мажмуаси» да «Отам, онам ва мен спортчилар оиласи» шiori остида ўтказилаётган мусобақанинг финал bosқичи бўлиб ўтди.

**МУСОБАҚА ЯКУНИГА ЕТДИ**

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган ҳаваскор оила аъзолари иштирок этди. Халқ таълими хузуридаги «Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси», Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон маланият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамият ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мусобақада, ўн тўртта жамоа ўзаро беллашди. Июнь-июль ойларида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган саралаш мусобақаларида юқори натижаларга эришиб, ҳал қилувчи белла-

шувга йўлланма олган спортчилар арқон тортиш, моҳир ҳужумчи, мерганлик каби беш йўналишда голиблик учун кураш олиб боришди. Мусобақада голиб чиққан тошкентлик Шукуровлар оиласига ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолини спорт машғулотларига оммавий жалб этиш учун биринчи қадам айнан оилалардан бошланиши тадбир якунида таъкидланди.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,  
«Туркистон-пресс»**

**Жинойят жағосиз қолмайди**

**ЖАНЖАЛ ҚИММАТГА ТУШДИ**

Доноларимиз «Ароқ ичсанг маст қилур, аҳмоқ билан дўст қилур» дея бежизга айтишмаган экан.

Икки улфат — Зуфар ва Жабфар қаҳвахоналарнинг бирига кириб қиттак-қиттак отишди, гўёки кайфиятларини кўтаришди. Сўнгра Феруза мавзесигади бекатларнинг бирига боришди. Улар гаплашиб туришган вақтда эски танишлари Расул кўринди. Ўзаро ҳола-аҳвол сўрашди. Шу вақт Зуфар Расулни бир четта тортиди.

- Уртоқ ичсанми, юр, биз билан.
- Мен ичмайман, кўлингни ол.
- Кучайиб қолибсанми?
- Оғзингга қараб гапир.

— Нима? Юр деганман сенга йигитмисан, ёки кўрқасанми? Икковлон М.Жалил кўнасига қараб кетишди. У ерда Зуфарнинг акиси яшар эди. Шунинг учун ҳам Зуфар «ботирлик» қилиб Расулни ўша ерга бошлаганди. У акасининг ёнига кириб бир йигитни уриш кераклигини айтиб ёрдам сўради.

— Аҳмоқ бўлиб қолибсан! Бор, ишингни қил, —деди акиси. Бундан жаҳли чиққан Зуфар стол устидаги пичоқни олиб ташқарига отилди.

У уйдан югуриб чиқиб Расулни кучоқлаб олди-да, унинг орқасига пичоқ тиқиб деди:

- Онамни сўкадиган сенмисан ҳали. Мана сенга аблаҳ!
- Расул уни бор кучи билан итариб юборди. Зуфар унинг қорнига ҳам пичоқ тиқиб олди. Кейин қилган ишидан кўрқиб кетди-да олди-ортига қарамай қочди.

Расул касалхонага бориш учун катта йўл томонга юрди. Бироз сўнг кўп қон йўқотганлиги сабабли хушидан кетди. Уни йўловчилар шифохонага элтдилар. Тез тиббий ёрдам ўз вақтида кўрсатилганлиги сабабли унинг ҳаёти сақлаб қолинди.

«Қилмиш-қилдириш», Зуфар қилган қилмиши учун ўн йил озодликдан маҳрум этилди.

**Ифтихор НУРМАТОВ,  
Мирзо Улуғбек тумани прокурорининг ёрдамчиси  
Хонбиби ҲИММАТ қизи,  
журналист**



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳакимов чизган расм

**Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!**

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, куйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

**133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.**

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 132-11-39,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилган.  
2496 нусxada босилди. Қонун бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар **Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимдарига ёки «Тошкент почтамити» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси басмаохонаси.  
Корхона манзили: «Буюк Туро» кўчаси, 41-уй.